

БЕРДИМУРОДОВ АМРИДДИН ЭРГАШЕВИЧ 70 ЁШДА

Ўзбекистоннинг антик ва ўрта асрлар даври археологиясининг намояндаси, Буюк Ипак йўли ҳамда Амир Темур даври санъати тарихи ва маданиятини ўрганган етук олим Бердимуродов Амриддин Эргашевич 1954 йил 10 октябрда Самарқанд вилояти Ургут тумани Мўминобод қишлоғида таваллуд топган.

1964 йилдан бошлаб академик А. А. Асқаров Ургут туманида жойлашган бронза даврига оид бўлган Мўминобод қабристонида археологик тадқиқот ишларини олиб бориб, бу ердан қабрларга қўйилган сопол идишлар, зеб-зийнат буюмлари билан бирга топилган ҳайвон суягидан ясалган мўъжазгина сивизғи-най барча қатори Амриддин Эргашевични ҳам ўзига бутунлай ром этди ва тарихга, айниқса қадимшуносликга бўлган қизиқишини орттирди. Натижада бўлажак олим 1974 йилда Самарқанд давлат университетининг Тарих факультетига ўқишга кириб, уни 1978 йилда аъло баҳоларга битирди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институтида дастлаб лаборант, кейинчалик стажёр – тадқиқотчи лавозимларида иш фаолиятини давом эттирди.

Амриддин Эргашевич 1981–1984 йилларда ўрта асрлар даври археологияси ва нумизматикасининг етук мутахассиси, профессор Г. А. Федоров-Давидов раҳбарлигида М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетида ўқиган. Аспирантура таҳсили давомида А. Э. Бердимуродов Олтин Ўрда шаҳарларида, шунингдек, илмий иш мавзуси доираси Жиззах воҳасида дала қидирув тадқиқотларини ҳамда воҳанинг Қалиятепа, Алмантепа, Қинғиртепа каби ёдгорликларда археологик қазув тадқиқотларини олиб борди ва “Жиззах воҳасининг илк ўрта асрлар маданияти” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1985 йилдан бошлаб Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтида иш бошлади, дастлаб кичик ва катта ҳамда етакчи илмий ходим, бўлим бошлиғи каби лавозимларда фаолият кўрсатди. Шу даврда институтнинг Ургут экспедиция бошлиғи сифатида тумандаги Жартепа зардуштийлик ибодатхонасини ҳамда Ёнчашма, Шаидтепа, Ишчантепа, Хамратепа каби ёдгорликларни очилишида раҳбарлик қилди. Айниқса, Буюк Ипак йўлининг Самарқанд-Панжикент йўналиши устида V–VIII асрларга оид бўлган Жартепа ибодатхонаси тадқиқотчи томонидан тўлиқ очилди ва ибодатхона Зарафшон дарёси шарафига бағишлаб



бунёд этилгани, у умумсуғд, колаверса, халқаро аҳамиятга эга бўлгани илмий мақола ва монографияларида ёритиб берилди.

Мустақиллик Археология институти учун жаҳон эшикларини очиб берди. Ўзбек археологлари Франция, Германия, Италия, АҚШ, Польша, Россия, Япония каби мамлакатларнинг йирик университетлари ва археология марказлари билан ҳамкорликда бир қатор экспедициялар очдилар. Улар қаторида очилган учта халқаро экспедицияга жумладан, Ўзбекистон-Италия (2000 йил), Ўзбекистон-Япония (2007 йил), Ўзбекистон-Хитой (2009 йил) халқаро қўшма археологик экспедицияларга Амриддин Бердимуродов бошчилик қилиб келмоқда. Бу қўшма экспедиция билан ҳамкорликда Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида археологик тадқиқот ишларини олиб бориб қадим ва ўрта асрлар даври кўчманчи чорвадорлар маданияти билан урбанизациялашган шаҳарлар ўртасидаги маданий алоқалар тарихини очиб беришга муваффақ бўлди. Кофирқалъа Самарқанддан ташқарида жойлашган Суғд ҳукмдорларининг ёзги қароргоҳи бўлганлиги исботланди.

2009 йилда А. Бердимуродов Археология институти директорлиги лавозимига тайинланди. Аини вақтда А. Бердимуродов юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб, 2010–2015 йилларда Самарқанд вилояти кенгаши депутати бўлди.

А. Бердимуродовнинг институтдаги раҳбарлик фаолиятининг дастлабки давридаёқ асосий эътиборини нашр ишлари ривожига қаратди. Ўзбек археолог олимларининг узоқ йиллик орзуси айнан мана шу даврда амалга оширилди. 2010 йилдан бошлаб Ўзбекистонда биринчи марта “Ўзбекистон археологияси” журнали нашр этилиши йўлга қўйилди.

Яна бир муҳим вазифа – ёш археолог олимлар тайёрлаш, иқтидорли ёшларни бу фанга олиб кириш ва Ўзбекистон археология фанининг келажагини таъминлашни Амриддин Бердимуродов ўзининг раҳбар сифатидаги энг муҳим вазифаларидан бири ҳисоблаб, ёш ўзбек археолог олимларини хорижий мамлакатларга малака оширишга юборди. Археолог олим дунёнинг бир қанча давлатларида, шу жумладан, Франция, Италия, Япония, Германия, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Буюк Британия, Эрон, Қозоғистон ва Тожикистон каби давлатларда илмий сафарларда бўлиб, ушбу мамлакатларда ўтказилган халқаро конференция ва симпозиумларда Ўзбекистон тарихи ҳамда археологияси тўғрисида маърузалар қилган.

А. Бердимуродов 1993 йилдан буён Франция пойтахти Париждаги “Темурийлар ассоциацияси”нинг вице президенти сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Айниқса, А. Э. Бердимуродов томонидан 2020 йилда чоп этилган “Ватан ҳаққига муножот” номли китоби илмий жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотди.

А. Э. Бердимуродовнинг хорижда ва республикамизда 4 та илмий монографияси, 7 та илмий оммабоп китоби, 150 дан зиёд илмий ва 140 дан ошиқ оммабоп мақолалари чоп этилган.

Унинг археология соҳасига қўшиб келаётган ҳиссаси, илмий изланувчанлиги ҳамда ташаббускорлиги алоҳида эътироф этилиб, 2019 йили халқаро Scopus-19 кўрик танловининг “Энг фаол илмий тадқиқотчиси” номинациясида ғолиб чиқиб, диплом ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланган.

А. Э. Бердимуродов илмий, илмий-ташкилий ишлар билан бир қаторда ёш кадрлар тайёрлаш ишларига ҳам улкан ҳисса қўшди. У Самарқанд давлат университети талабаларига “Ўрта Осиё шаҳарларининг тарихий топографияси”, “Ўрта Осиё меъморчилик санъати тарихи”, “Антик ва ўрта асрларда Ўрта Осиёда диний жараёнлар” каби махсус курслар ўқиш билан биргаликда кўплаб аспирант ва докторантларга илмий раҳбарлик қилади. Жумладан, А. Э. Бердимуродов раҳбарлиги остида 2021 йилда Шайдуллаева Гулжаҳон, 2022 йилда Абдували Асланов, 2024 йилда Ғ. И. Маҳаммадиевлар тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилишди.

А. Бердимуродовнинг бевосита илмий раҳбарлигида Н. Алимов, О. Турсуновлар тарих фанлар бўйича фалсафа доктори диссертацияси устида иш олиб бормоқда. Ҳозирги кунда А. Бердимуродов Я. Ғуломов номидаги Самарқанд археология институти ҳузуридаги тарих фанлари доктори (DSc) илмий даражасини берувчи DSc.01/10.01.2024.TAP.169.01. рақамли Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар аъзоси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу билан бир қаторда, илмий натижаларни оммалаштириш ишларида ҳам катта ҳисса қўшиб, у ҳозирги кунда “О‘zbekiston arxeologiyasi”, “Имом Бухорий сабоқлари” ва бошқа бир қатор журналлар таҳририяти аъзоси ҳисобланади.

У 2014 йил Франциянинг “Академик Пальма” ордени ҳамда 2018 йил Ўзбекистон Республикасининг “Дўстлик” ордени билан ҳамда 1996 йилда “Халқаро Амир Темуражамоат фонди” ва 2021 йилда “OLTIN MEROS” эсдалик нишонлари билан тақдирланган.

Фидойи олим А. Э. Бердимуродовни табаррук 70 ёши билан қизғин табриклар, у кишига сихат-саломатлик, узоқ умр тилаган ҳолда, Ўзбекистон фани равнақига янада самарали ҳисса қўшишини чин дилдан истаб қоламиз.

***“О‘zbekiston arxeologiyasi” таҳририяти,
Я. Ғуломов номидаги Самарқанд археология институти жамоаси***